ИНСОНЛАРНИ СЕВГАН ОЛИМ

Мамлакатимизда олий таълим ва физика фани ривожига салмоқли ҳисса қўшган йирик олим, камтарин устоз Алишер Тешабоев 2013 йил 10 июнь куни боқий дунёга риҳлат қилдилар.

Алишер Тешабоев 1926 йили Андижон вилояти Асака туманида машҳур деҳқонлар сардори Тешабой Матёқубов оиласида туғилди. Туғма зеҳнли, ғоят синчков ва серғайратлиги боис мактабда чанқоқлик билан ўқиди. 1942 йили, 9-синфни битирибоқ, туғилганлик ҳақидаги ҳужжатини ўзгартириб ҳарбий хизматга кетади. Японларга қарши ҳарбий амалиётларда иштирок этиб, 1948 йили юртига қайтади. Андижон ўқитувчилар институтига ўқишга кириб,1950 йили уни имтиёзли диплом билан тамомлайди. 1951 йили Ўрта Осиё давлат университетининг физика факультетига кириб, 1956 йили назарий физика ихтисоси билан тамомлади. Проф. Г.М.Авакьянц раҳбарлигида илмий тадқиқотлар олиб бориб, номзодлик диссертатциясини муваффаққиятли ёқлади. 1966 йили назарий физика кафедраси ва яримўтказгичлар физикаси муаммовий лаборатория мудири этиб тайинланди. Шу даврдан бошлаб мазкур кафедра ва лаборатория республикамизда яримўтказгичлар соҳасида мутахассис ва юқори малакали кадрлар тайёрлаш марказига айланиб қолди.

А.Тешабоевнинг саъй-ҳаракатлари билан 1971 йили университетда яримўтказгичлар ва диэлектириклар физикаси кафедраси ташкил этилди. Кафедра ва унинг қошидаги муаммовий лаборатория моддий техника базасини мустаҳкамлаш, юқори малакали мутахассис ва педагоглар билан таъминлаш ҳамда илмий марказлар билан алоқалар ўрнатиш ишларига катта эътибор қаратилди. Бу соҳада А.Тешабоев ўзининг катта ташкилотчилик қобилиятини намойиш эта олди. Кафедра ва лабораторияда яримўтказгичли кремнийга чуқур энергетик сатҳларни ҳосил қилувчи киришмалар киритиш технологияларини, кремнийда бегона атомлар хатти-ҳаракатларини назарий ва тажрибавий усулларда тадқиқ этиш, натижаларни амалиётга жорий этиш бўйича катта илмий ва амалий аҳамиятга эга таклифлар ишлаб чиқилди. Олиб борилаётган тадқиқотларнинг халқаро миқёсдаги эътирофи сифатида 1980 йили кафедра асосида “Яримўтказгичларда чуқур сатҳлар муаммолари” мавзусида II Бутуниттифоқ анжумани ўтказилди. Бу даврда кафедрада 2 та докторлик ва 10 га яқин номзодлик диссертатциялари ёқланди. Кафедра комперсирланган кремнийни олиш ва тадқиқ этиш соҳасида ҳалқаро миқёсида тан олинган илмий марказга айланди. А.Тешабоев ўз фаолияти давомида 7 та фан номзоди, 2 та фан доктори ва юзлаб малакали мутахассислар тайёрлаб, мамлакатимиз илм-фан, таълим ва бошқа соҳаларини кадрлар билан таъминлаш ишига салмоқли ҳисса қўшди.

1995 йили вилоятларида университетлар ташкил этишлиши муносабати билан республика ҳукуматининг пойтахт олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларига мурожаатига биринчилардан бўлиб жавоб бериб, А.Тешабоев Андижон давлат университетига кўчиб ўтди. Тажрибали педагог бу масканда университетларга хос илмий ва ижодий муҳит ҳосил қилишга катта ҳисса қўшди. А.Тешабоев олий таълим учун ўзбек тилида ўқув адабиётлари яратиш соҳасида ҳам ибратли фаолият кўрсатди. Унинг ўзи ва шогидлари билан ҳамкорликда яратилган “Яримўтказгичлар физикаси”, “Яримўтказгичли асбоблар физикаси”, “Яримўтказгичларда фотоэлектрик ҳодисалар”, “Қаттиқ жисмлар физикаси”, “Яримўтказгичлар ва яримўтказгичли асбоблар физикаси” каби ўнлаб ўқув адабиётлари олий таълим тизимининг асосий қўлланмалари бўлиб хизмат қилмоқда. А.Тешабоев физика атамашунослигининг шаклланиши ва ривожига ҳам муҳим ҳисса қўшди. Унинг “Назарий физика атамалари луғати”, “Яримўтказгичлар физикаси атамалари”, “Микроэлектроника луғати” каби ўнга яқин китоблари физика таълимини ўзбек тилида ўтказишда бебаҳо ёрдамчи бўлиб қолди.

А.Тешабоевнинг энг асосий хислатлари – одамларга ўта меҳрибонлиги, муҳтожларга доимо моддий ва маънавий ёрдам беришга тайёрлигини ҳеч ёддан чиқариб бўлмайди. А. Тешабоевнинг бундай инсонийлик хислатлари “Ҳам жангчи, ҳам олим”, “Кўпларга устоз”, “Истеъдод эгалари”, “Ветеран ҳамон сафда” каби кўплаб мақола ва китобларда таърифланган.

Касбига фидоийлиги, Ватан, халқ ҳизматига доимо тайёрлиги, таълим ва фан соҳасида эришган улкан ютуқлари учун А.Тешабоев “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълим ходими”, “АДУ да хизмат кўрсатган профессор” фахрий унвонлари, ЎзМУнинг “Юксак хизматлари учун” нишони ва бошқа бир қанча давлат мукофотларига сазовор бўлган.

Йирик олим, меҳрибон устоз, комилликка интилиб, сермазмун ва юқори самарали фаолияти билан барчага ибрат бўлиб яшаган А.Тешабоев хотираси шогирдлари қалбида мангу яшайди.

С.Зайнобиддинов,
физика-математика фанлари доктори,
профессор